



# ЎЗМУ ХАБАРЛАРИ

## ВЕСТНИК НУУз

### АСТА NUUZ

МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ  
УНИВЕРСИТЕТИ ИЛМИЙ ЖУРНАЛИ

**ЖУРНАЛ  
1997  
ЙИЛДАН  
ЧИҚА  
БОШЛАГАН**

**2020  
1/4**

**Ижтимоий-  
гуманитар  
фанлар  
туркуми**

Бош муҳаррир:

**А.Р. МАРАХИМОВ** – т.ф.д., профессор.

Бош муҳаррир ўринбосари:

**Р.Х. ШИРИНОВА** – фил.ф.д., проф.

Таҳрир ҳайъати:

Сагдуллаев А.С. – т.ф.д., проф.

Аширов А.А. – т.ф.д., проф.

Баллиева Р. – т.ф.д., проф.

Маликов А.М. – т.ф.д., проф.

Юсупова Д.Ю. – т.ф.д., проф.

Муртазаева Р.Х. – т.ф.д., проф.

Мўминов А.Г. – с.ф.д., проф.

Ганиева М.Х. – соц.ф.д., проф.

Мадаева Ш.О. – ф.ф.д., проф.

Туйчиев Б.Т. – ф.ф.д., проф.

Мухаммедова Д.Г. – псих.ф.д.

Тўхтаев Х.П. – ф.ф.н., доц.

Болтабоев Х. – фил.ф.д., проф.

Раҳмонов Н.А. – фил.ф.д., проф.

Жабборов Н.А. – фил.ф.д., проф.

Сиддикова И.А. – фил.ф.д., проф.

Ширинова Р.Х. – фил.ф.д., проф.

Садуллаева Н.А. – фил.ф.д., доц.

Арустамян Я.Ю. – фил.ф.д., доц.

Пардаев З.А. – фил.ф.ф.д., PhD.

Масъул котиб: **З. МАЖИД**

**ТОШКЕНТ – 2020**

## МУНДАРИЖА

### Тарих

Abduvakhidova N., Djurayev I. On the way of development of gastronomic tourism .....	3
Абриев Р. Ўзбекистонда тарихий-меъморий обидаларни сақлаш ва таъмирлаш соҳасининг ривожланиши ва асосий йўналишлари .....	6
Алимардонов О. Ўзбекистон ва Туркия ўртасидаги халқ дипломатиясининг айрим жиҳатлари .....	11
Aminova A. Technological clusters in navoi: new prospects for the economic development of the region .....	16
Давлатова С. Ўзбек хунармандчилиги: давлат сиёсати, тамойиллар ва ривожлантириш моделлари .....	19
Дехканов Н. Раҳбар имижининг асосий замонавий талаблари .....	25
Джуманов С. Ўзбекистон тиббиётида инновацион янгиликларнинг жорий этилиши .....	30
Мирзаев Ў. Ўзбекистон миллий қолғулари тарихидан .....	34
Мухамеджанова В. Историко-педагогические традиции в Туркестане конца XIX начала XX века .....	38
Рахимова Г. Сурхондарё вилояти ҳудудларида экологик муаммоларнинг оғир оқибатлари .....	43
Раҳматуллаева С., Раҳимова Г. Андижон иқтисодий вилоятида экологик муаммолар .....	47
Янгибоева Д. Муҳаммад Шарифжон Садрӣ Зиё асарларида Бухоро амрлиги тарихининг ёритилиши .....	52

### Фалсафа. Педагогика. Методика. Социология

Абдурахимов Қ., Тўлаганова Г. Психологик хизмат фаолиятининг амалий имкониятлари .....	56
Абдужалилова Г. Педагогик ўлчовларни статистик таҳлил қилиш усуллари .....	60
Абдуллаев Б. Сиёсий фанлар – Ўзбекистонда ёшлар сиёсий маданиятини шакллантиришнинг муҳим мезони .....	64
Абдуллаева Р. Проблемы обучения русскому языку как языку специальности в медицинских образовательных учреждениях республики Узбекистан .....	67
Абдулҳакимов С. Касбий интеллектуал салоҳият давлат тараққиётининг белгиловчи омил сифатида .....	72
Аманова М. “Замонавий кишлоқ хўжалик техникаларини бошқарувчи оператор”ни ўқитиш тизими .....	76
Arifova Sh. Methodological basis of individual learning competencies in students .....	79
Astanov A. Ekzistensializm falsafasining o'ziga xos xususiyatlari .....	82
Байриева А. Вақиллик ҳокимияти органлари тизими, уларнинг функциялари ва ваколатлари .....	85
Гулямов Дж., Нурбоев Қ. Бош миёна ташкил этилишини ҳисобга олган ўқитиш методи: нейропедагогик бинар маъруза .....	89
Закиров Д. Мактабгача таълим муассасаларида экологик таълим .....	93
Ибрагимова Н. Экологик хавфсизликни таъминлашнинг ижтимоий фалсафий таҳлили .....	96
Караев В. Физкультурно-спортивная деятельность как средство оптимизации подготовки профессионально педагогических кадров .....	100
Мамаражабова З. Адабий таълим жараёнида эпитетида нуқсон бўлган болаларни нутқни ривожлантириш педагогик тизими тамойиллари ва методлари тавсифи .....	104
Маматқулов Р. Миллий ғоя - миллий манфаатларни ҳимоя қилишнинг назарий асоси .....	108
Muradova F. Virtual laboratories as a means for education of students .....	111
Muradova Z. Analysis of the influence of intelligence, creativity and personal characteristics on the educational performance of high school students .....	115
Пўлатов Ш. Маҳатма Ганди фалсафасида “Куч ишлатмаслик” ғояси .....	119
Pulatova Z. Specific features of the assessment of writing skills of students of legal orientation in a modular system .....	123
Rahmonov D. Ijtimoiy xizmat ko'rsatishning institusionallashuvi: funksional yondashuv .....	126
Садиева С. Психологическая диагностика как основа коррекционной работы со студентами .....	131
Санджалалова С. Проблемы развития речевой компетенции студентов нефилологических ВУЗов .....	135
Саидов С. Вопрос о государственном имидже в системе международных отношений .....	138
Saidova V. Boshlang'ich sinf o'quvchilarining intellektual qobiliyatlarini rivojlantirishning pedagogik-psixologik jihatlari .....	143
Сайнгов А. Сайидо Насафий ижодида касб-хунар эгалари тавсифи .....	148
Тлеубаева Г. Вопросы о развитии математических способностей .....	151
Умаров Х. Ўқув-тренировка гуруҳларига ёш гимнастикачиларни саралаш .....	155
Умирзакова Н. Медикализация жараёнларининг жамият ҳаётига таъсири – биоэтика муаммоси сифатида .....	158
Ҳайдаров С. Совершенствование техники рывка специальными вспомогательными упражнениями .....	161

### Филология

Алшева М. “Ўқитувчилар” газетаси мисолида тахририят менежментига даврнинг таъсири .....	166
Бакирова Х. The methodology of working on the active grammatical minimum in esp education .....	169
Баходиров Ж. Инглиз тилидаги ижтимоий рекламаларда ранглар ва матнни креолаштиришнинг ўзига хослиги .....	173
Бобождонова Н. Kopnotatsiya zamonaviy tilshunoslik modellaridan biri sifatida .....	177
Джалилова Х. Бадий адабиётда саёҳат жанрининг хусусиятлари (тарих ва таҳлил) .....	181
Зарипова Д. Дидактик асарларнинг қиёсий таҳлили .....	185
Karimov R. On extralinguistic tagging of uzbek-english parallel corpus texts .....	190
Курчастова А. История как действующий персонаж в рассказах современных узбекских писателей .....	194
Қувватова Д., Назарова Д. Жамол Камол ғазалларининг аънавийлик хусусиятлари .....	197
Qobulova N. Yozuvchi poetik uslubini namoyon etishda ong va ongosti munosabatlar, shartli ramziy tasvirlarning o'rni .....	201
Раҳмонова Ш. Ҳабибий ғазалларининг ўлчов имкониятлари .....	204
Salohiddinova N. Mustaqillik davri o'zbek she'riyatida poetik obraz va unga yondashuv masalasi .....	209
Санакулов З. Немис ва ўзбек тилларида сўз ясаш бирликларининг лингвистик таснифи: чоғиштирма аспектда .....	213
Sobirova S. Ramz tushunchasi va uning badiiy filmlardagi o'rni .....	218
Тўйчиев А. Яхши асар - яхши ечим .....	222
Умарова М. Байроннинг “Чайльд Гарольднинг зиёрати” поэмасида ижодкор шахс ва лирик қаҳрамон муносабати .....	226
Эрдонов З. Зулфия ижодида образлар ва образlilik тамойиллари поэтикаси .....	230
Юлдашев Ф. “Этикод” концептининг тилшуносликдаги ўрни .....	233
Юсупова Д. Аруз илмининг испаниялик тадқиқотчиси .....	236
Яқубова Н. Энигматик матнларда дейкис ва анафора ҳодисаларининг ўрганилиши .....	240



*Дилнавоз ЮСУПОВА,*

*Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ўқитувчиси,  
филология фанлари доктори*

### АРУЗ ИЛМИНИНГ ИСПАНИЯЛИК ТАДҚИҚОТЧИСИ

Аннотация

Мақолада ўзбек адабиётшунослигида деярли тадқиқ этилмаган, олимларимиз томонидан муаллифи номаълум асар сифатида тилга олиб келинган Абу Жайш ал-Ансорий ал-Мағрибий Андалусийнинг “Арузи Андалусий” асари таҳлил қилинган бўлиб, ушбу асарнинг туркий арузшунослик учун назарий манба вазифасини ўтаганлиги асосланган. Шунингдек, мақолада асарнинг Шайх Аҳмад Тарозий “Фунун ул-балоға” рисоласи билан қиёсий таҳлили амалга оширилган.

**Калит сўзлар:** аруз, жузв, рукн, зихоф, бахр, вазн, байт.

### ИССЛЕДОВАТЕЛЬ-АРУЗОВЕД ИЗ ИСПАНИИ

Аннотация

В статье анализируется работа «Арузи Андалусий» Абу Джайша аль-Ансари аль-Магриби Андалуси, которая почти не изучалась в узбекском литературоведении и считалось, что автор работы неизвестным. В статье обосновывается роль этой работы как теоретический источник в формировании тюркского арузоведения. Проведен сравнительный анализ данного произведения с трактатом «Фунун уль-балага» Шейха Ахмада Тарази.

**Ключевые слова:** аруз (просодия), джувз, рукн (стопа), зихаф (изменения), бахр (поэтический метр), стихосложный размер, байт (двустипшие).

### SPANISH RESEARCHER ARUZS' SCIENTIFIC

Annotation

The article analyzes the work of “Aruzi Andalusi” by Abu Jaish al-Ansari al-Magribi Andalusi, who was hardly studied in Uzbek literary criticism and was considered that the author of the work is unknown. The article substantiates the role of this work as a theoretical source in the formation of Turkic Aruzovedenie. A comparative analysis of this work with the treatise “Funun ul-balaga” by Sheikh Ahmad Tarazi was carried out.

**Key words:** Aruz (prosody), djuzv (the smallest unit of aruz), rukn (foot), zihaf (changes), bahr (metrical form), vazn (meter), bayt (couplet).

**Кириш.** Аруз тизими, унинг ривожланиш тамойиллари, арузшунослик тараққиёти муаммолари ҳар бир тарихий даврда тадқиқотчилар диққатини ўзига жалб қилиб келган. Айниқса, аруз назариясида қандай қилиб араб арузи миллий мумтоз шеърятларнинг бош шеърӣ тизимига айланган деган савол ҳануз пировард тарзда ечимини топган эмас. Бу эса аруз ва арузшуносликни тарихий-қиёсий йўналишда ўрганишни тақозо этади [12].

Ўрта асрлар, хусусан, XII-XV асрларда яратилган араб, форс-тожик ва ўзбек шеършунослигига доир асарларни, жумладан, ўрта асрлар қўлёзмалари ва рисоаларини тадқиқ этиш, қадимги давр ва ўрта асрлар шеър тизимларини ўрганиш, олимлар илмий мероси, ёндашув ва қарашларини белгилаш, мумтоз адабиётнинг бадий воситалари ва шеър тизимлари тараққиётини белгилаш бўйича жаҳон ва қардош халқлар адабиётшунослигида муайян илмий изланишлар олиб борилган бўлса-да, шеършунослик илмининг тарихий тадрижини белгилашда муҳим ўринга эга бўлган темурийлар давридаги арузшунослик манбалари, хусусан, араб тилидаги манбалар махсус

тадқиқ этилмаган эди. Бу эса мазкур мақола мавзусининг долзарблигини кўрсатади.

Ўрта асрларга келиб, арузшунослик кўплаб ютуқларга эришди: янги бахрлар, доиралар, вазнлар кашф этилди, аруз илмига янги истилоҳ ва тушунчалар олиб кирилди. Араб, форс ва туркий тилларда ушбу илмининг моҳиятини очиб беришга қаратилган кўплаб рисоалар яратилди. Мазкур рисоаларда Халил ибн Аҳмад томонидан бир тизимга келтирилган аруз илми назарий жиҳатдан мукаммаллашган ва кенгайтирилган бўлса-да, муаллифлар камтарлик юзасидан ўз рисоаларини устозлари Халил ибн Аҳмад асарининг баёни ёки шарҳи деб таъкидладилар [7]. Хусусан, “Меъёр ул-ашъор”нинг муаллифи Насириддин Тусий шундай ёзди: “Арузийларнинг одатича, ҳар бир вазнини тушунтиришда мисол тариқасида байт берадилар. Ва араб арузидан айнан Халил ибн Аҳмад изоҳлаган байтни келтирадилар. Шу сабабли биз ҳам ушбу байтларни айнан ўзгаришсиз келтирамиз ва у (Халил ибн Аҳмад)нинг зихофларини қисқартирилган ҳолда берамиз... Биз ишни Тавил баҳрини таҳлил қилишдан бошлаймиз, зеро, Халил ибн Аҳмад шу йўлдан

борган ва бошқалар ҳам унга эргашган эдилар” [6]. Ушбу фикрлардан кўринадики, Халил ибн Аҳмаддан кейин яратилган арабий ва форсий манбаларнинг аксариятида “араб филологиясининг отаси”га эргашиб бор.

Темурийлар даврига келиб яратилган рисолаларда эса энди бевосита Халил ибн Аҳмадга эмас, унинг издошлари асарларига суяниш тамойили бошланади. Ҳар бир муаллиф ўзлари истифода этган манбаларни кўрсатиш асносида муайян тарзда аруз тизимига ўз ёндашувларини ҳам келтириб ўтганлар. Шу маънода бу давр арузшунослигида қайд этилган манбаларни киёсий ўрганиш ва тадқиқ қилиш мумтоз олимларимизнинг ушбу илмдаги издошликлари ва новаторликларини аниқлашга имкон беради. Темурийлар даври арузшунослари ўзлари истифода этган ва таъсирланган манбаларнинг номларини рисолаларнинг муқаддимаси ва турли ўринларида келтирадilar. Хусусан, Шайх Аҳмад Тарозий асарининг арузга доир бўлими муқаддимасида шундай ёзди: “Бу хавастин кўп нусхаларни мутолаа қилди, нетокким, “Арузи кистос” ва “Арузи Ундулусий” ва “Меъёр-ул ашъор” ва бу тарика нусхаларнинг баҳрларида кўп ғаввослик қилдук” [9].

**Тадқиқот методологияси.** Биз ушбу мақолада Темурийлар даври арузшунослиги, хусусан, Шайх Аҳмад Тарозий рисоласи учун назарий асос вазифасини ўтаган араб тилидаги манба “Арузи Андалусий” асарининг илмий таҳлиliga тўхталиб ўтмоқчимиз. Бу манба замонавий арузшуносликда махсус тадқиқ этилмаган, ҳатто шу кунгача ўзбек олимлари томонидан муаллифни номаялум асар сифатида тилга олиб келинган [3]. Аслида “Арузи Андалусий” асарининг арузи араб олими Абу Жайш ал-Ансорий ал-Мағрибий Андалусий (ваф. 1229) қаламига мансуб бўлиб, манбаларда у ҳақда жуда кам маълумотлар учрайди. Турк сайёҳи ва олими, Котиб Чалабий номи билан машҳур бўлган Ҳожи Халифа (1609-1657) ўзининг “Кашф уз-зуннун” асарида Андалусийнинг тўлиқ исми Абдуллох ибн Муҳаммад эканлиги, “Абу Жайш” (аскарнинг отаси) номи билан шухрат топганлиги, “Арузи Андалусий” номли асар ёзганлиги ва хижрий 626 йилда вафот этганлиги ҳақида маълумот келтиради. Шунингдек, Имом Абдул Қадир ал-Бағдодийнинг “Хазина ул-адаб” асарида ҳам шунга ўхшаш маълумотлар деярли такрорланади. “Арузи Андалусий” аруз илмига доир мухтасар услубда битилган рисола бўлиб, шеърини йўлда ёзилган. Д.Фролов ўзининг “Классический арабский стих” асарида араб арузшунослигининг тадрижий тараққиёти ҳақида гапирар экан, XIII асрлардан бошлаб арузга доир шарх (баён) йўсинида ёки назмда битилган рисолалар ёзила бошланганлигини, уларнинг аксарияти ушбу илмни ўзлаштириш ва ёд олиш учун мўлжалланганлигини айтади [8, 8]. “Арузи Андалусий” назмда битилган учунми, орадан бир аср вақт ўтиб, унга қўллаб шарҳлар ёзила бошланган. Улардан энг дастлабкиси ва нисбатан мукаммали факих Абдулмуҳсин бин Муҳаммад ал-

Қайсарий ал-Румий (ваф. 761/1360) томонидан амалга оширилган бўлиб, кўлэзма нусхаси Саудия Қироллиги университети кутубхонасида сақланади. Кўлэзмага “Баён мушкулот ал-мухтасар фи илм ал-аруз ал-мавсум би Андалусий” деб сарлавҳа қўйилган. Мусаннифнинг маълумотига кўра, кўлэзма 22 саҳифадан иборат бўлиб, матн 12 см х 15 см ҳажмдаги қоғозга ёзилган, ҳар бир варақда 21 сатр бор. Бир сатр 14-16 сўзни ўз ичига олади. Ҳошияга котиб томонидан баъзи изохлар киритилган. Ушбу шарх Абдулходий Абдурахмон ал-Шовий томонидан батафсил изохлар билан Куфа университети журналида 2017 йилда эълон қилинган [1, 149-206]. Биз мақоламизда ушбу нашрдан фойдаландик.

“Арузи Андалусий” мусулмон Шаркига хос анъанавий муқаддима, асосий қисм ва асар якунланганига шукрона тарзида битилган кичик хотимадан иборат. Дастлаб Оллоҳга ҳамд ва Пайғамбар (с.а.в.)га наът айтилгач, аруз илми ҳақида умумий маълумотлар (асосчиси Халил ибн Аҳмад эканлиги, Ахфаш унинг шогирди сифатида бу илмга янгиликлар қўшганлиги, асарда тилга олинган баҳр ва зихофлар сони) келтирилади. Шеърнинг асосини байт ташкил қилиши айрилиб, унинг бўлаклари рукнлар асосида таҳлил қилинади: байтнинг биринчи мисрасидаги аввалги рукн *садр*, сўнгги рукн *аруз*, иккинчи мисранинг илк рукни *ибтидо*, сўнгги рукни *зарб* деб аталishi, бу рукнлар орасидаги бўлақлар *ҳашив* номи билан юритилишига изох берилди. Сўнг муаллиф арузнинг энг кичик бирликлари – жузвлар талқинига тўхталар экан, анъанавий уч жузв: сабаб, ватад ва фосилага таъриф беради, уларнинг ҳар бири яна иккига (сабаби хафиф, сабаби сақил; ватади мажмуъ, ватади мафрук ва фосилаи суғро, фосилаи кубро) бўлинишини айтади. Муаллиф ушбу жузвлар аслий рукнларни вужудга келтиришини таъкидлаб, арузийлар (арузшунослар) орасида аслий рукнлар борасида ихтилофлар борлиги, улардан Жавҳарий деган олим бу масалага алоҳида ёндашганлигини айтиб ўтади. Маълумки, Исмоил Жавҳарий (тахм. 940, Фороб – 1008, Бағдод) келиб чиқиши туркий хисобланган арабзабон олимлардан бўлиб, унинг аруз конун-қондаларига бағишланган “Арузи вурқатий” деган асари бор. Асарда муаллиф Халил ибн Аҳмад таълимотига баъзи ислохотлар киритади: аслий рукнлар сонини 8 та эмас, 7 та деб кўрсатади (Жавҳарийда *мафъуелоту* рукни келтирилмаган); баҳрлар миқдорини Халилдан фарқли равишда 12 та деб хисоблайди (унингча, *Сарий*, *Мунсарих*, *Муктазаб* ва *Мужтасс* баҳрлари аруз илми учун ортикча, чунки мохиятан *Сарий* *Басит*нинг, *Мунсарих* ва *Муктазаб* эса *Ражаз*нинг, *Мужтасс* эса *Хафиф*нинг бир туридир) [5]. Андалусий салафининг ушбу фикрига ижобий муносабат билдиргани ҳолда, ўз асарида Халил таълимотига содиқ қолади. Унда саккиз аслий рукннинг барчаси жузвлар таркиби бўйича қуйидагича тақсимланган:

1. Фаувлун (فَعْوَلُنْ) – бир ватади мажмуъ (V-) “فَعْوُ” (*фаву*) ва бир сабаби хафиф (-) “لُنْ” (*лун*)дан иборат бўлади (V – –).

2. Фоилун (فَاعِلُنْ) – бир сабаби хафиф ( – ) “фа” (фо) ва бир ватади мажмуъ (V – ) “елн” (илун) дан таркиб топади ( – V – ).

3. Мафонийлун (مَفَاعِيْلُنْ) – бир ватади мажмуъ ( V – ) “мафо” ва бир сабаби хафиф ( – ) “ий” ҳамда яна бир сабаби хафиф ( – ) “лун” дан таркиб топади (V – – –).

4. Мустафъилун (مُسْتَفْعِلُنْ) – икки сабаби хафиф ( – – ) “мустаф” ва бир ватади мажмуъ ( V – ) “илун” дан таркиб топади ( – – V – ).

5. Фоилотун (فَاعِلَاتُنْ) – бир сабаби хафиф ( – ) “фо”, бир ватади мажмуъ ( V – ) “ило” ва бир сабаби хафиф ( – ) “тун” дан таркиб топади ( – V – – ).

6. Мафонлагун (مَفَاعِلَاتُنْ) – бир ватади мажмуъ ( V – ) “мафо” ва фосилан суғро (V V – ) “илатун” дан таркиб топади (V – V V – ).

7. Мутафонлун (مُتَفَاعِلُنْ) – бир фосилан суғро (V V – ) “мутафо” ҳамда бир ватади мажмуъ ( V – ) “илун” дан иборатдир (V V – V – ).

8. Мафъувлоту (مَفْعُولَاتُ) – икки сабаби хафиф ( – – ) “мафъув” ва бир ватади мафрук ( – V – )

“лоту” дан таркиб топади (Аслий руқнлар таркибининг бу тарздаги изоҳи Шайх Аҳмад Гарозий рисоласида айнан тақдорланган).

**Таҳлил ва натижалар.** Маълумки, аруз илмида аслий руқнларнинг турли ўзгаришларга учраши натижасида зихофлар ҳосил бўлади. Арузшуносликда уларнинг миқдори борасида ҳар хилликлар бор. Форсий манбаларда асл араб зихофлари 22 та эканлиги айтилади [4, 31; 10, 50]. Лекин “Арузи Андалусий” да 34 та зихоф келтирилган бўлиб, уларнинг баъзилари араб тилида яратилган аввалги рисолаларда учрамайди. Андалусий келтирган зихофлар қуйидагилардир: *хабн, тайй, қабз, кафф, хабл, шакл, измор, вакс, хазл, асб, ақл, нақс, ҳазф, қатф, касф, қатъ, ҳазз, қаср, батр, вақф, салм, ташъис, изола, тасбиғ, тарфил, ссалм, сарм, газб, қасм, ақс, жамм, харм, харб, шатр.* Ушбу зихофларнинг аксарияти кейинчалик ҳеч ўзгаришсиз “Фунун ул-балоға” га ўтганлигини кузатиш мумкин. Таққослаш учун ҳар икки асарда тилга олинган зихофларни келтирамыз:

1-жадвал.

Зихофларнинг қиёсий таҳлили

	Зихоф номи	“Арузи Андалусий”	“Фунун ул-балоға”
1.	Хабн	+	+
2.	Тайй	+	+
3.	Қабз	+	+
4.	Кафф	+	+
5.	Хабл	+	+
6.	Шакл	+	+
7.	Измор	+	+
8.	Вакс	+	+
9.	Батр	+	+
10.	Хазл	+	+
11.	Асб	+	+
12.	Ақл	+	+
13.	Нақс	+	+
14.	Ҳазф	+	+
15.	Қатф	+	+
16.	Касф (кашф)	+	+
17.	Қатъ	+	+
18.	Ҳазз	+	+
19.	Қаср	+	+
20.	Вақф	+	+
21.	Салм	+	+
22.	Ташъис	+	+
23.	Изола	+	+
24.	Тасбиғ	+	+
25.	Тарфил	+	+
26.	Ссалм	+	+
27.	Сарм	+	+
28.	Ғазб	+	-
29.	Қасм	+	+
30.	Ақс	+	+

31.	Жамм	+	+
32.	Харм	+	+
33.	Харб	+	+
34.	Шатр	+	+
35.	Ҳажф	-	+
36.	Кабл	-	+

Кўринадики, ҳар икки рисоладаги зихофлар деярли ўхшаш бўлиб, фақат “Арузи Андалусий”да келтирилган *ғазб* зихофи “Фунун ул-балоға”да, “Фунун ул-балоға”да келтирилган “*кабл*” ва “*ҳажф*” зихофлари эса “Арузи Андалусий”да учрамас экан.

Асарда араб шоирлари ал-Мутанаббий, ибн ал Кайс, ал-Бухтурий каби ижодкорлар билан бир каторда Исмоил Жавҳарий, Махмуд Замахшарийларнинг номлари келтирилиши асар муаллифининг ўзгача мавжуд арузга доир манбалар билан яхши таниш бўлганлигини кўрсатади.

Хулоса, Халил ибн Аҳмаддан кейин яратилган арабий ва форсий манбаларнинг аксариятида “араб

филологиясининг отаси”га эргашиб кузатилса, темурийлар даврига келиб яратилган рисодаларда бевосита Халил ибн Аҳмадга эмас, балки унинг издошлари асарларида берилган маълумотларга таяниш тамойили бошланади. Шу маънода Темурийлар даври арузшунослиги учун арабнавис олим Абу Жайш ал-Ансорий Андалусийнинг асарида келтирилган баъзи тамойиллар: зихофлар талқини: номи ва моҳияти, аслий руқнлар таркибининг изоҳи асос бўлиб хизмат қилган. Бу ҳолат туркий аруз учун фақат форсий манбалар эмас, балки бевосита араб тилидаги манбалар ҳам назарий асос вазифасини ўтаганлигини кўрсатади.

#### АДАБИЁТЛАР

1. Абдулҳодий Абдурахмон ал-Шовий. Абу Ал-Жайш ал-Ансорий Андалусийнинг “Арузи Андалусий” асарига Абдулмуҳсин ал-Қайсарий шарҳи тадқиқи. – Куфа университети журнали, 2017. – № 45. – С. 149-206. (араб тилида).
2. Атоуллох Ҳусайний. Бадойиъ-ус-санойиъ / Форсчадан А.Рустамов таржимаси. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1981.
3. Болтабоев Ҳ. Шарк мумтоз поэтикаси. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006.
4. Ваҳид Табризи. Джем-и мухтасар / Критический текст, перевод и примечания А.Е.Бертельса. – М.: Восточная литература, 1959.
5. Калиева Ш.С. Творчество Исмаля ал-Джаухари и его место в арабской филологии. Авт. дисс. .... канд. филол. н. – Ташкент, 2002.
6. Насируддини Тўсий. Меъёр-ул-ашъор / Ҳозиркунандаҳон чоп У.Тоиров, М.Абдуллоев, Р.Ҷалол. – Душанбе: Ориёно, 1992.
7. Тоиров У. Становление и развитие аруза в теории и практике персидско-таджикской поэзии. Автореф. дисс. ... доктора филол. наук. – Душанбе, 1997.
8. Фролов Д.В. Классический арабский стих. История и теория аруза. – М.: Наука, 1991.
9. Шайх Аҳмад ибн Худойдод Тарозий. Фунун ул-балоға (Бодлиан кутубхонасида сакланувчи Elliott №-127 рақамли қўлёзма).
10. Шамс Қайс Розий. Ал-мўъжам / Муаллифи сарсухану тавзеҳот ва ҳозиркунандан чоп У. Тоиров. – Душанбе: Адиб, 1991.
11. Юсупова Д. Темурийлар давридаги арузга доир рисодаларнинг кнёсий таҳлили. – Т.: Та’лим-медиа, 2019.
12. Yusupova D. Prosody During The Temurids’ Period // International Journal of Research. Volume 07, issue 04, April 2020.
13. Ҳайитметов А. Адабиётдан туркийда биринчи назарий қўлланма // Ўзбек тили ва адабиёти, 2002. – № 1.